



ЮКСАК МАРРАЛАРГА ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ТАДБИРКОРЛАРГА ТАЯНИБ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ ЭРИШИШ МУМКИН

Президент Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни Наманган вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.



Наманган вилоятига ташриф Давлат-обод туманидаги "Fazman tekstil" корхонасидан бошланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим маҳсулот чиқаришдан олдин бозорини топиш, жаҳон брендларини олиб келиш зарурлигини таъкидлайди. Хорижий инвесторлар учун яратилаётган қўлай шибилармонлик муҳити натижасида Наманган вилоятида "Waiki", "Baldessarini", "ZARA" каби брендлар остида кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда очилган "Fazman tekstil" да ҳам иш шундан бошланди — Германиянинг дунёга машҳур "Dige" ва "Carl Gross" брендлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлиб, бунинг ҳисобидан улкан иншоот барпо этилди, Германия ва Туркиядан замонавий ускуналар олиб келинди. Минга яқин иш ўрни яратилди.

Корхона йилига 1 миллион дона костюм-шим ишлаб чиқариш қувватига эга. Улар бренд талабларига мослиги боис хушбичим ва юқори сифатли. Жорий йилнинг ўзида 15 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари иш жараёнини кўздан кечирди. Маҳсулотлар сифати ва экспорт салоҳиятини юқори баҳолади.

Корхонада ёшларга иш ўргатиш учун ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Президентимиз ана шу ёшлар билан биргаликда суратга тушди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" кичик саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди. Мамлакатимизда тадбиркорларга муносиб шароит яратиш учун жойларда технопарк ва кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Наманган вилоятида бундай мажмуалар сони 73 тага етди.

Баркамол авлод маҳалласида ҳам ишбилармонлар, хунармандлар кўп. Лекин улар уй шароитида ишлар, имкониятлари чекланган эди.

Шу боис, маҳалла ёнидаги 10 гектарда зарур инфратузилмага эга яхлит мажмуа барпо этилди. Бу ерга 46 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг 18 тасида ишлар яқунлиб, корхоналар фаолиятини бошлаб юборди, 2 мингдан ортиқ иш ўрни очилди.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги "Мастер класс дизайн", "Сифат ёғоч саноат", "Баланс текс" корхоналаридаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Биринчи корхонада йилига 150 минг дона чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. "Сифат ёғоч

саноат" йилига 1 минг 200 тўплам мебеллар, "Баланс текс" 400 минг дона тўқимачилик товарлари тайёрлаш қувватига эга. Уларда қўшни маҳаллалардаги аввал ишсиз бўлган ёшлар, хотин-қизлар меҳнат қилиб, даромад топтоқда. Маҳсулотлар сифатлилиги ва ҳамёнбоплиги билан импорт ўрнини эгалламоқда.

— Ўзи одамларимиз ишбилармон, шижоатли. Мана, замин яратувдик, тадбиркорлик "юрим кетди". Энди ишлаб чиқарувчиларга таннархни тушириш бўйича ёрдам бериш керак. Таннарх — тадбиркорнинг "хаёт-мамоти". Таннарх пасайса, экспортга чиқиш енгиллашади, бизнес кенгайди, яна ишчи олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Саноат зонасидаги бошқа лойиҳаларда ускуналар ўрнатилмоқда. Умуман, бу ерда тайёр кийим-кечак, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, мебель, қозғ, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу атрофдаги Баркамол авлод, Яқкатут, Янгиҳаёт, Обжувоз, Лопа, Чаман маҳаллаларида яшовчи 6 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз шу ерда Наманганда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан ҳам танишди. Мавжуд тармоқларга қўшимча асарлари

чилик, заргарлик, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Наманган шаҳрида виллоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режалари муҳокамаи юзасидан очик мулоқот ўтказилди.

Сўнги беш йилда Наманган вилоятида корхоналар сони 15 мингга кўпайиб, 32 мингтадан ошди. Шу даврда хусусий бизнес ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми 1,6 баравар ўсиб, 8,3 триллион сўмга етди. Бу — республика бўйича энг юқори суръатлар.

— Тасаввур қилинг, олти йил аввал дотацияда бўлган виллоят бугунги кунда мустақкам даромадга эга бўлди, замонавий саноат ва кучли тадбиркорлар шаклланди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Оддий қилиб айтганда, Наманган ҳеч муболағасиз тадбиркорлар юрти, кичик ва ўрта бизнес марказига айланди.

Йилгилида, аввало, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилди.

Тахлилларга кўра, бу йил қишдаги совуқ оқибатда юртимиздаги 3 мингта ҳудудий саноат корхонасида ишлаб чиқариш пасайган. Яна қўллаб тадбиркорларнинг солиқ қарздорлиги ошган.

Шу боис, Президентимиз иқтисодиётда йўқотишлар ўрнини қоплаш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида қарор имзолаганини айтди. Унга кўра, совуқдан кийинчилик кўрган тадбиркорларга кредит, солиқ, боғхона ва бошқа тўловлар бўйича енгилликлар берилди.

Жумладан, 2 минг нафар кичик ва ўрта тадбиркорларнинг январь-март ойларида муддати келадиган 4,7 триллион сўм кредит тўловлари 1 июнга қадар узайтирилди. 29 мингта тадбиркорга 2 триллион сўм солиқ қарзини 1 июлга қадар фоизсиз, қўшимча гаровсиз ва пенясиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилди. Қуввати пасайган 545 та саноат корхонасига ишлаб чиқаришни тиклаш ва айланма маблағ учун 8 триллион сўм кредит ажратилди. Давлат мулки хариди ва ижараси борасида тўловлар бўйича ҳам енгилликлар берилди. Ишлаб чиқариш билан тадбиркорларга ҳар бир юқори қавати учун тадбиркорларга мол-мулк солиғидан 10 фоиздан чегирма жорий этилди.

Бу имкониятлар тадбиркорлар томонидан хурсандчилик билан қабул қилинди.

— Наманган иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобига, бу йил 500 мингга яқин аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марраларни олганмиз. Бу режаларга фақат ва фақат тадбиркорларга таяниб, уларни қўллаб-қувватлаб эришиш мумкин, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун виллоятда оилавий тадбиркорлик учун бу йил 950 миллиард сўм ёки 2 баравар кўп имтиёзли кредитлар ажратилди. Махсус тўқимачилик зонаси ташкил этилади ҳамда 15 та саноат зонаси инфратузилмасига 75 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, ҳар бир тўғанда камидан 2 тадан микромарказ ўз фаолиятини бошлайди.

Энергетика вазириликнинг тадбиркорларнинг энергия таъминотини кунлик назоратга олиб, изчил етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Аҳолига деҳқончилик учун тарқатиладиган 9,5 минг гектар ерда бозорбоп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш зарурлиги айтилди.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича кўрсатмалар берилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг янги таклиф ва ташаббусларини эшитди. Президент Шавкат Мирзиёев Давлат-обод туманида жойлашган "Янги Ўзбекистон ёшлар зийли маскани" кутубхонасини бориб кўрди.

Бу мажмуа 2021 йил фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда 70 мингта китоб фондига эга. Кутубхона жаҳондаги йирик электрон кутубхоналар тармоғига уланган. Бу орқали хорижий

адабиётлардан ҳам эркин ва бепул фойдаланиш мумкин.

Ташриф буюрувчилар махсус ID-карта олади. Барча жараёнлар электрон тарзда бажарилади.

Биринчи қаватда 12 ёшга булган болалар ҳамда кўзи ожиз инсонларга мўлжалланган алоҳида ўқиш зали ташкил этилган. Кичиктойларнинг иқодий тасавурларини бойитадиган жиҳозлар қўйилган. Иккинчи ва учинчи қаватларда умумий ўқув заллари, ертўлада архив жойлашган. Шунингдек, бу ерда ёшлар ахборот технологияларини ўрганиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари шу ерда наманганлик ёшлар билан мулоқот қилди.

— Наманган буюк алломалар, уста тадбиркорлар юрти. Бугун ҳам ёшлар иқтисодиёт, санъат, спорт соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда. Буларни эшитиб, кўриб, хурсанд бўлам. Ёшларимиз учун янада кўпроқ имкониятлар ташкил қилишни уйлайман, — деди Президент.

Виллоятда йигит-қизлар учун кўп дастурлар амалга оширилмоқда. Утган йили уюлмаган ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 140 миллиард сўм маблағ берилиб, 6 мингдан зиёд ёш ўз йўлини топди.

Шунингдек, 2,5 минг гектар экин майдонларини ажратиш натижасида 20 минг ёшлар бандлиги таъминланди. Шароити оғир қарийб 5 минг ёшга контракт пуллари тўлаб берилди.

Мулоқотда бу имкониятларни давом эттиришга қаратилган лойиҳалар ва ташаббуслар ҳақида сўз борди.

— Хабарингиз бор, бу йилни юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилдик. Мактабда икки та хорижий тил ва битта касб ўрганиш талабини қўйяпмиз. Мана бундай зиё масканлари, спорт мажмуалари қуриляпти. Буларнинг ҳаммаси бирлашиб, ҳаёт мактабига айланиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатишга қаратилган "Ҳаёт мактаби" дастури амалга оширилади. Бу борада Наманган вилояти тажрибаси яратилди.

Илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш, спортни оммалаштириш, кўнгли-очар тадбирлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи яқунланди.

Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Бугун жаҳонда юз бераётган шиддатли ўзгаришлар, мамлакатлар ва халқларнинг ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига эришиш йўлидаги ҳаракатлар, мустақиллигини ва эркини сақлаб қолиш сари ташланган қадамлар, турли сиёсий ўйинлар, бир томонлама манфаатларга асосланган геосиёсий жараёнлар — буларнинг бари мени ушбу мақолани ёзишга ундади.

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, дунёда руй бераётган глобал ўзгаришлар Ўзбекистон таъкид сийосати, унинг мазмун-моҳиятига жиддий таъсир кўрсатаяпти. Буларни эътиборга олган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китобида Ўзбекистон халқаро майдондаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳликадан қатъи назар, ўзининг мустақиллиги ва суверенитети, ҳавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда барча фуқароларнинг фаровонлиги ишончли тарзда таъминланишига қаратилган сиёсат олиб бормоқда, дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, кейинги

Миллий бирлик — Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим устувор омили



йилларда мамлакатимизда кечаётган туб янгиланишлар, изчил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшничилик муҳити тобора мустақамланаётгани юртимизнинг халқаро нуфузини янада оширмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган вазмин, прагматик, чуқур илмий ҳулоса ва амалий тажрибага асосланган ташқи сиёсат халқимиз турмуш тарзида, фаровонлик даражасида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ички сиёсати моҳиятида ҳам алоҳида ўрин эгалламоқда. Бошқа томондан, барқарор иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий муҳит мамлакат ташқи сиёсати самарадорлиги ва ишончлилиги ҳам ўзининг фараҳбахш таъсирини кўрсатмоқда. Буларнинг бари халқимизда ижтимоий бирлик, ҳамжиҳатлик натижасида юз бераётгани эсдан чиқармаслик муҳимдир.

Давоми 3-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Фарғона вилояти: "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мухаббатхон Ғофурова касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этган ишбилармонлар ўртасида ўтказилган "Энг намунали тадбиркор" республика кўриктанлови ғолиби бўлди.

Давоми 4-бетда



МУНОСАБАТ

ХАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ СУРУРИ

Замонамизда ахборот алмашинув тезлиги ҳам, ўзига хосликлари ҳам бошқача. Аввалги даврлардаги каби бир худуддаги воқеани бошқа жойдаги аҳоли эшитиши учун ойлар, кунлар керак эмас. Хабарлар дақиқалар, ҳатто, сониялардаёқ қулоққа етиб боради. Шу боис, ҳар куни юртимиздаги янгиланишлар, худудлардаги ўзгаришлар, катта-катта бинолари корхоналарнинг очилишини кўряпамиз, эшитяпамиз.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг водий вилоятларига ташрифини ҳам халқимиз диққат билан кузатиб келибди. Айниқса, водий аҳоли жойлардаги учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирилган фикрларни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб келибди. Мен ҳам Андижон фарзанди сифатида тадбирларда бевосита иштирок этиб, ана шу мулоқотларга гувоҳ бўлганимдан гурулландим. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг худудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиши мақсадида 2021 йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига келгани ёдимга тушди. Ташриф чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари мўлаҳим кенгайтириш, аҳоли учун муносиб турмуш шaroити яратиш юзасидан масъуллар олдиға аниқ вазифалар кўйганди.

Бу ташриф ҳақиқатан халқнинг узоқ кутилган ордунимларини рўёбга чиқариш, янгиланишлар остонасига қадам қўйишга замин яратди. Утган қисқа вақт ичида Андижонда улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир вилоятдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларидан кўзингиз қувнапти. Бу ёғи Ҳўжабоду Қўронтепа, у ёғи Улуғнору Бўстон туманини оламосини, жаҳонга юз туриб, иқтисод мустаҳкамланиб бормоқда. Аҳоли турмуш тарзи яхшиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ислохотларнинг «маҳаллабай» тизимида қандай йўлга қўйилгани, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш ҳамда халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 1 февраль куни яна Андижонда бўлди. Бу ташриф андижонликларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирди.

Ҳозир вилоятимизнинг қайси тумани йўлингиз тушса, аҳоли юз-кўзида ишчан кайфият ва шўкроналикни кўрасиз. Биргина мисол, бир пайтлар Бўстон тумани иқтисодий жиҳатдан қоқоқ худудлардан эди. Бугун бу ердаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, қувонсан киши. Zero, жадал ислохотлар самарасида жамият тубдан янгиланиб, одамлар қалби, онгу тафаккури, шуурда, кундалик турмуши ҳаётида янги бир ҳаёт нафаси уфурмоқда. Изчил ислохотлар нафақат бўстонликларни, балки узоқ-узоқдан келган меҳмонларни ҳам қувонтирмоқда. Айниқса, янги корхоналар ишла туширилиши туфайли одамлар ишга бўлапти, рўзгорига барака қирапти.

«Сайёра фаввораси» масъулияти чекланган жамияти томонидан яқинда ишга туширилган тўқимачилик корхонаси ана шулардан бири. Айни чоғда бу ерда эркаклар, аёллар ва болалар учун 50 турдан ортиқ йилгига 1 миллион 200 минг дона тайёр трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Энг муҳими, ушбу худудда яшовчи мингта яқин аҳоли иш билан таъминланди. Шу ернинг ўзида касб-хунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилгани ҳисобига худуддаги ишсиз фуқаролар хунарга ўрганиб, ўз йўлини топаётди.

Президентимиз мазкур корхона фаолияти билан танишиб, шу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан мулоқотда бўлди. Учрашув чоғида тадбиркор Европа бозорига чиқмоқчи эканини айтди. Давлатимиз раҳбари бу бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Қарий ярим миллион иш ўрни яратилди

Ҳақиқатан, кейинги йилларда вилоятда бўлаётган ўзгаришларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар эътиборга молик. Мен ҳозир биргина ўтган йилдаги амалий ишлар натижаларига тўхтамоқчиман, холос. Нега десангиз, 2022 йилда 457,1 мингта иш ўрни яратилиб, аҳолини иш билан таъминлаш дастури

ижроси 105,2 фоиз бажарилди. Натижада ишсизлик даражаси 9,9 фоиздан 8,7 фоизга камайди. Қарий 40 минг камбағал оиланинг даромадини кўтаришга эришилгани ҳам кейинги йиллардаги ислохотлар самарасидир.

Бу даврда кичик бизнес субъектларига 5,1 триллион сўм кредитлар ажратилиб, 42 мингдан зиёд иш ўрни очилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолига 871,9 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Улкан қурилиш майдониға айланган вилоятимизда янги-янги корхона ва тураржойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Бундай ободликка юз тутаетган гўшалар ҳар бир туманда бор. Масалан, Шаҳрихон туманидаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Янгиланаётган Шаҳрихон қиёфаси ҳайратим ва ҳавасимни ошириб, дилимда шўкроналик, миннатдорлик туйғуларини жўш урдирмоқда, десам муболағаға йўйманг.

Андижон — ишбилармонлар юрти. Тадбиркорлик, хунармандлик қон-қонимизга сингиб кетган. Сўнгги йилларда тадбиркорларга яратиб берилган кенг имкониятлар натижаси ўлароқ, чекка худудларда янги корхоналар ишга туширилмоқда, ишсизлик муаммосига аниқ ва манзилли ечим топилаяпти.

Масалан, ҳозир тумандаги “Elegant shoes and” корхонасида 500 киши меҳнат қилмоқда. Иккинчи босқичда яна шунча иш ўрни ташкил этилиши мақсад қилинган. Давлатимиз раҳбари вилоятга ташриф чоғида мазкур корхона фаолияти билан ҳам танишиб, бу ерда ишлаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Президентимизнинг бугун Андижонга тадбиркорликни кенгайтириш, барқарор энергия манбалари яратиш, одамларнинг даромадини ошириш учун келдик, деган гапи барча хотин-қизларни ниҳоятда қувонтириб, ҳаракатга келтиргани

рост. Сабаби, вилоятда бундай корхоналар кўлами кенгайса, янги иш ўринлари яратилиши баробарида экспорт ҳажми ҳам ошади.

3 мингта эскирган қозон замонавий усқунаға алмаштирилади

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан электр истеъмоли ҳам кундан-кунга ошмоқда. Хусусан, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида электрга талаб 40 фоиз кўпайган. Ташриф чоғида Янги Андижон шаҳарчасида қайта тикланувчи энергия манбаларини омдалаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари бўйича йнгиллиш ўтказилди.

Кўпчилик орасида ўтириб, учрашувда бевосита иштирок этар эканман, одамлар юз-кўзида қувонч, эртанги кунга ишонч, яратилган шароитлар учун миннатдорлик туйғуларини кўрдим. Очиғи, жуда кўп дилхаш, самимий суҳбатлар гувоҳи бўлганман. Лекин Президентимиз билан мулоқот бир умр ёдимда қоладиган бўлди. Сабаби, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир гапи аҳоли фаровонлиғи, халқ манфаатини таъминлаш масаласида эди.

Йнгиллишда ҳозирги шароитда энг тўғри ечим қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш эканига урғу бериларкан, бу борада қуёш ва шамол станциялари лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил Андижонда 41, Наманганда 32 ва Фарғонда 27 та микрогидроэлектр станция қуриш имконияти борлиғи айтилди. Давлатимиз раҳбари йирик корхоналарда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, умуман, уларни электр билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш кераклигини таъкидлади. Ижтимоий объектларда қуёш энергиясидан фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил этилади. Ижтимоий объектлардаги 3 мингта эскирган қозон замонавийсига алмаштирилади.

Самимий мулоқотлар давомида Президентимиз энергетика тизимида янги босқичға ўтишда депутатларимиз янги қонунларни ишлаб чиқайди, дея олдимизға устувор вазифаларни қўйдики, бу ҳеч биримизни бефарқ қолдирмасдан, ушбу жараёнларда фаол иштирок этишға ундайди. Zero, кенг қамровли ишларға фидойиллик билан ёндашиб, амалий саъй-ҳаракатларимиз орқали биз, депутатлар вилоятнинг янги босқичдаги тараққиёти, эртанги истиқболни учун ҳисса қўшган бўламиз.

Йнгиллишда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Камбағалликни ойлик ёки нафақа миқдорини ошириш, одамларға кредит бериш билан қисқартириб бўлмайди. Бу бир томондан ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечим имконини бермайди. Аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, янги иш ўринлари яратиш орқали бандлигини таъминлаш камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри ва оқилона йўлидир. Янги иш ўринлари яратилса, минглаб оилаларға даромад, барака қиради.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Андижон вилоятиға ташриф то маънода тарихий воқеа бўлди. Худуд ахлқининг кайфиятини кўтарди, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

55-МАКТАБ ТАЖРИБАСИ қайси жиҳати билан эътиборни тортмоқда?

Президентимиз водий вилоятларига ташриф чоғида Андижон туманидаги 55-мактабда ҳам бўлди. Мактабда ўқувчиларни касб-хунарга ўргатиш борасида йўлга қўйилган янги тажриба билан яқиндан танишди. Фаолиятни такомиллаштириш бўйича зарур тавсия ва топшириқлар берди. Бу масалаға давлатимиз раҳбари даражасида эътибор қаратаётганининг, албатта, асосли сабаблари бор. Муайян касб-хунарни эгаллаган инсон ҳаётда ўрнини топишда қийналмайди, ўзгалар кўмағига муҳтож бўлмайди, демакки, давлатда боқимандлик билан яшамайди. Қолаверса, бугунги шиддатли даврда ёшларнинг замонавий билим олиши ҳамда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунарларни пухта эгаллаши ҳаётий зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

ортдан ойига 4-5 миллион сўм даромад топаман. Бугун мактаб ўқувчиларига ҳол-ва тайёрлаш сирларини ўргатялман. Улар жуда уқувли, қизиқувчан. Шогирдларим келгусида бу ишни мукамал ўрганиши ва яхши хунарманд бўлишига ишонаман.

Шу касб-хунарга орқали келгусида оила фаровонлиғига эришимиз, қишлоқдошларини иш билан таъминлаш, агар хорижий тилни ҳам ўрганса, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаши мумкинлигини болалар яхши тушунади.

— Болалигимдан ширинлик, айниқса, холванинг тайёрланиши мен учун қизқарли бўлган. Шу сабабли бу хунарни

тилларни ўрганишға ундамоқда. Шу боис, мактабларға юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишға мажбур бўлялман.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига мурожаат қилмоқчиман.

Жондан азис болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунарга ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб, чиқса, билан-сизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади”.

Жаҳон ҳамжамиятиға интеграция жараёнида, дунё бозорига дадил ва фаол кириб борилаётган айни паллада хорижий тилни ўрганиш зарурати ҳар қачонгидан кўра ошмоқда.

— Мактабимизда инглиз тили 1-синфдан ўқитилади, — дея изоҳлайди Мавлуда Расуллова. — Президентимиз топшириғига биноан жорий йилдан бошлаб француз тилини ҳам ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Яқин кунларда интеграциялашган ўқув режаси асосида француз тилини дарс жадвалиға киритиш кўзда тутилган. Ҳозирча болалар ушбу тилни мактабимиз қозонидаги тўғрақанда ўрганмоқда. Француз тилини ўқитиш бўйича энг малакали ва камида 1-тоифали чет тили ўқитувчиларини жалб этиш режалаштирилган.

Келгусида хорижий тилларни ўзлаштирган ўқувчилар бандлигини таъминлаш ҳам эътиборда. Улар ўқув ва логистика марказларида, хорижий компанияларда ишлаши учун шaroит яратилади. Шунингдек, хорижий тил ўқитувчиларининг малакасини ошириш, биринчи чет тили бошқа тил бўлган мутахассислар учун беул тайёрлов курслари ташкил этиш, ўқувчиларнинг иккинчи хорижий тилни 7-11 синф давомида A2 даражада ўзлаштиришиға эришиш назарда тутилмоқда.

— Президентимиз билан кўришганимизда қаттиқ ҳаяжонландим. У кишининг ниҳоятдан «Мен истеган таълимни болаларға бера олясизми?» деган саволни бўким, — дейди мактаб директори. — Бугун давлатимиз раҳбари кутганидек таълим бера оляптим, дея олмайман. Бироқ шу учрашувдан сўнг жуда катта масъулият ҳиссини туйдим ва олдимға марра қўйдим. ўқитувчилар билан астойдил ишлашимиз. Виждонан ишлашға, ҳар бир боланинг билимиға, тақдирига бефарқ бўлмасликка интиламиз. Президентимиз кутган сифатли таълимни бериш учун бор кучимиз ва имкониятимиз даражасида ҳаракат қиламан.

Ҳа, бугунги ҳаракат эртангга ўзининг ижобий натижасини беради. Еруғ орзулар қанот ёзиб, оилалар фаровонлиғи ва тўқислиғи, эл-юрт ободлиғига хизмат қилади. Осоийшта ва обод манзилларни бугун илм олиш, касб-хунарга эгаллаш иштиғи билан, уйғок фикрли ёшлар барпо этади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



қизиқтириш унчалик қийин бўлмади. Айниқса, хунарга ўрганиш билан бирга даромадға эға бўлиши, оила аъзоларига кўмак бериши, топган маблағини илм олиш учун сарфлаши мумкинлигини тушунаган ўғил-қизлар ўз хоҳиши ва қизиқиши билан хунарга ўрганишға чоғланди. Дастлабки бир ҳафтанинг ўзида қизларимиз 60 та кўрпа-тўшак қавиб, сотуға чиқаргани ҳам болаларининг хунарга ўрганишға иштиғидан дарак беради. Тадбиркорлар ўқувчиларға иш ҳақи тўлайди. Кунига 50 минг сўмғача пул олаётган ўқувчининг бир ойлик даромади 1-1,5 миллион сўмини ташкил этапти. Устоз-шогирд анъанаси асосида ташкил этилган машғулотларға ишлаб чиқариш таълими усталари соатбай асосида жалб этилган. Улар ўқувчиларға хунарга ўргатиш баробарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, қўшимча даромад топишға ҳам эришмоқда. Тайёр маҳсулот — тадбиркорға, хунарга ўрганиши баробарида топаётган маблағи эса ўқувчиға фойда.

— Қандолатчилик цехида ишлайман, — дейди ишлаб чиқариш таълими устаси Фотима Рўзиева. — Ҳолва тайёрлаш

“БУХОРО: ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁХАТ”

ДЕХЛИДА ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ Тўқимачилик МАХСУЛОТЛАРИГА БАғИШЛАНГАН КўРГАЗМА ОЧИЛДИ

Ҳиндистон Тўқимачилик вазири Миллий хунармандлик музейида “Бухоро: Ипак йўли бўйлаб саёхат” номли ўзбек анъанавий тўқимачилик махсулотларига бағишланган кўргазма ўз ишнини бошлади. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон ва Марказий Осиё хунармандлари томондан яратилган сўзна, пиллар, дўппи, миллий либослар намуналари ва бошқа турфа матолар намоиш этилмоқда. Шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарлар манзаралари, миллий кийим-кечаклар, тақинчоқлар намуналари акс эттирилган суратлар ҳам экспонатлар орасидан жой олган.

Ўзбек тўқимачилик махсулотлари намоиши Ҳиндистон Миллий хунармандлик музейи билан ҳамкорликда “Shades of India” компанияси раҳбари, хусусий коллекционер Давид Хаузто ва унинг рафиқаси Манди Хаузто ташаббуси билан ташкил этилган.

Кўргазмининг очилиш маросимида мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчиси Дилшод Аҳатов, хорижий давлатларнинг Деҳли шаҳридаги элчиоларлари вакиллари, санъатшунослар, ўзбек маданияти ва санъати ихлосмандлари иштирок этди.

“Бухоро: Ипак йўли бўйлаб саёхат” кўргазмаси 15 февралға қадар давом этади.

Давид ХAUЗТО, “Shades of India” компанияси раҳбари, хусусий коллекционер:


— Ўзбекистон хунармандлик меросининг гўзал намуналаридан ташкил топган ушбу кўргазмани ташкил этишдан мамнунман. Яқинда Париж шаҳридаги Лувр музейида ва Араб дунёси институтида Ўзбекистон тарихи ва маданиятиға бағишлаб очилган мислсиз кўргазмалардан илҳомланиб, Деҳли шаҳрида ўз хусусий коллекциямдан фойдаланган ҳолда, ушбу мўъжаз кўргазмани ташкил этишға қарор қилдим.



Ўзбек халқининг ниҳоятда бой маданияти, тўқимачилик анъаналари ва намуналари Ҳиндистонда янада фаол тарғиб этилишға лойик, деб ҳисоблайман. Мазкур кўргазма икки ҳафта давомда халқлар ўртасидаги маданий яқинлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашға хизмат қилади.

Иша жоши, “Shades of India” компанияси ходими:

— Мен Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари хунармандлиғи, тўқимачилик анъаналари, санъати ва маданияти тарихиға қизиқаман. Гўзал Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари асрлар давомида жажон маданияти ва санъати маркази бўлиб келган. Бошқача айтганда, бу борада мазкур шаҳарларни “Осиё Венецияси” деб аташ мумкин. Ўзбекистоннинг бой тарихи барча соҳалар қаторида тўқимачилик йўналишиға ҳам улкан таъсир ўтказган. Бугун Ҳиндистон Миллий хунармандлик музейи залларидан бирида узоқ йиллик анъаналарни ўзида жамлаган тўқимачилик махсулотлари тўпламини кўриб турганимдан хурсандман. Ушбу ранг-баранг ва турфа санъат асарлари халқларининг маданияти ва кадрیاتларининг бир-бириға нақадар яқинлиғи ва ўтган узоқ йиллар давомида Буюк ипак йўли билан бир-бириға қўрсатган таъсирини яққол ифодалайди.



“Дунё” АА Деҳли

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

МИЛЛИЙ БИРЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ОМИЛИ



Абдухалил МАВРУДОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланғич 1-бетда

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи қадимдан мана шу муқаддас заминда баҳамжихат, ўзаро тотувликда ҳаёт кечириб келмоқда. Халқимиз не-не қийинчиликларини бошидан кечирган бўлса-да, доимо ўзининг миллий бирлигини сақлашга ҳаракат қилди. Утроқ ҳаёт тарзи, Яратганинг бебаҳо неъматлари, қўлай табиий шaroитлар — ҳаммаси юртимизда буюк кашфиётлар, ўзгаришларни амалга оширишга имкон берди.

Натижада Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тарихида алҳудда эътироф этиладиган манзиллардан, олим мутахассислар эътиромига сазовор масканлардан бирига айланди. Юртимиздаги Селунгур, Чашма манзилгоҳларидан, Тошкент воҳасидаги Қўқбулак ва Қизилполма ёдгорликларидан қадимги тош даврига оид ашёлар топилган. Ўзбекистон ҳудуди Жанубни Шимол билан, Шарқни Ғарб билан маданий жиҳатдан боғлаб турган ва турли маданиятлар, технологиялар, гоғлар, кашфиётлар учрашадиган, маданиятлар синтези содир бўладиган тарихий маскан эканидан дарак беради.

Аждодларимиз қадимда барпо қилган шаҳарлар сони ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, юнон тарихчили Бактрияни (Ўзбекистон жанубидаги қадимги тарихий ўлка) **"Минг шахарли мамлакат"**, деб атаган. (*Амридий Бердумуродов. Ватан ҳақида муножат. Тошкент, 2020. 139-бет*). Эътибор берайлик: бундан 2,5-3 минг йиллар аввал баргина Бактриянинг ўзида минг шахар бўлган. Бу ҳам кўнглимизда катта ифтихор туғғусини ўйотиши шубҳасиз.

Албатта, бундай катта цивилизация ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, шаклланиган. Назаримизда, бунинг энг муҳим омилларидан бири — халқимиз азал-азалдан иннок, ҳамжихат бўлиб умргузаронлик қилганидандир. Шунинг учун ҳам юртимизда Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар пайдо бўлди, илм-фан тараққиёти юксак даражада ривож топди. **Дунё юзидда 120 мустақил давлат барпо этган туркий халқларнинг орасида ўзбек халқи, унинг буюк давлатчилик тарихи ҳам бекорга жaxon ҳамжамияти томонидан эътироф этилмади.** Бу ютуқларнинг бари ўзбек халқи азал-азалдан мустақкам миллий бирлик, ҳамжихатлик сифатларига эгаллиги билан моҳиятан боғлиқдир.

Миллий бирлик ҳар бир миллат, элатнинг мавжудлик белгиси, ўша халқ тараққиётининг энг устувор омили ва пойдеворидир. Шунинг учун ҳам ҳар доим барча мустамлакачилар ўз ҳокимиятини мустақкамлаш учун, аввало, ўзи босиб олган халқнинг миллий бирлигини йўқотишга ҳаракат қилган. Миллий бирлик туфайли содир этилган барча озодлик ҳаракатлари бостирилган, унинг иштирокчилари йўқ қилинган.

Биргина 1899 йилдан 1916 йилгача бўлган қиска муқаддас Туркистонда чоризм мустамлакачиларига қарши 4412 мартаба исоёну галаён ташкил этилди. Ахир, миллий бирлик бўлмаганда озодлик ва эрк учун шунча ҳаракат ташкил этиларидими?

Мустамлакачилар истило қилган халқлар ўртасидаги миллий бирлиكنи барбод қилиш мақсадида турли йўللardan фойдаланди. Айниқса, улар ўзбек халқининг миллий ўзлигини йўққа чиқариш, миллий тарихи, миллий маданияти, миллий урф-одатларига қарши қескин чоралар қўрди. Тарихий манбаларга қўра, 1917 йилда Туркистонда 20 минг масжид фаолият қўрсатар, улар халқимизни иймон-этиқодга чорлар, ешларимизни улуг қадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилар эди. Совет мафкурачилари бу масжидларни, халқимиз миллий бирлигини сақлаш ва мустақкамлашдаги алоҳида ўрнини эътиборга олган ҳолда, оммавий йўқ қилиш, қисқариштириш йўлидан борди. Бундай масжидлар 1953 йилга келиб, 250 тани ташкил этди, холос. Миллий бирлик, истиқлол учун курашга чиққан минглаб ватанпарварлар

ёстиғи қуритилди. Манбаларга қўра, биргина 1914-1918 йилларда Туркистонда 1 миллион 230 минг юртдошимиз қатл этилди, яна минглаб ватандошимиз ўз юртини ташлаб, ўзга жойларга кетишга мажбур бўлди.

Биз бугун яна бир аччиқ ҳақиқатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Гап халқимиз миллий бирлигига салбий таъсир кўрсатган субъектив омиллар хусусида кетмоқда. Халқимиз бежизга **"Келажак фақат ўтмиш йўл кўрсатади"**, демаган. Ўз камчиликларини, хатоларини тан олиб, уларни яширмасдан, бундай хатоларга бошқа йўл кўймаслиқни англаб етган халқгина муносиб келажак ярата олади.

Ҳақиқатан ҳам, биз нимага эришган бўлсак, шубҳасиз, халқимизнинг миллий бирлиги туфайлидир. Шунингдек, нимани йўқотган бўлсак ҳам ана шу феномен ҳодиса таъсирида содир бўлган. Келинг, яхшики, бу борадаги фикрларимизни яқин ва узок тарихимиздаги аниқ мисоллар билан асослашга ҳаракат қилайлик.

Тан оилалик, ўзбек халқининг миллий бирлигига путур етказган энг машъум давр, бу — хонликлар даври. Бу ҳақда кўп гапирилди. Ҳозир гап у ёки бу салбий ҳолатнинг борлигини қайта-қайта такрорлаш, эслашдангина иборат эмас. Ҳамма гап ўша салбий ҳолатдан ибратли сабоқ чиқариш борасида. Бу тўғрисида улуг бобоклонимиз — аллома Алихонтура Соғуний мустамакка зулми остига тушиб қолишимиз сабабларининг аввали хонликлар вақтида юзага келган иттифоқсизлик, дея кўрсатади. Мутафаккир аллома миллий бирлик учун энг аввало, Ватанини севиш, миллий руҳиятга эга бўлиш лозимлигини таъкидлаб, шундай дейди: **"Менинг тўғи мақсадим ўз Ватанида туриб ғариб бўлган Туркистон халқини, айниқса, хозирги ва келажак Ватан ёшларини оғохлантчириб, ўлим уйқусидан уйғотишидир. Кўнглимдаги мунглик қайғуларимни қалам тумшугидан тўкиб ёзган бу китобимни (Гап Алихонтура Соғунийнинг "Туркистон қайғуси" китоби тўғрисида кетмоқда) ўқувчи ва ҳам эшитувчи ватанпарвар, миллатсевар қаҳрамон болаларимизга менинг топширигим ички, тилим учундас эмас, дардлик дилим ишдан чиқариб ёзган ёлқинлик сўзларимни фақат ўқибгина ўтмасдан ҳар бир оғиз сўзини текшириб, унинг устида фикр юртисинлар. Инсоният тараққиёти эмас, маданият тараққиёти бўлиш ХХ асримиз-**



турган минг сулоласи ҳукмдорлари ички ва ташқи душманларга қарши тинимсиз курашишга тўғри келди. Олий ҳокимият даъвогарлари ўртасидаги курашлар оқибатида Олимхон, Шералихон, Муродхон ва Маллахонов қатл этилди. Тахт учун курашлар жараёнида Худойёрхон ҳокимиятини уч маротаба олишга тўғри келди.

Ватанимиз тарихида миллий бирликнинг мустақкамлашига хонликлар ўртасидаги ўзаро курашлар ҳам жуда катта зиён-заҳмат етказди. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида узок давом этган урушлар давлатчилик тарихимиздаги қора доғлар ҳисобланади. Айниқса, 1842 йилда Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонга ҳужуми жуда даҳшатли оқибатларга олиб келди. Мадалихон, Нодирабегим ва бошқа нуфузли кишилар ўлдирildi. Сарой хазинаси ва халқнинг бойлиқлари таланди. Насруллохон Мадалихоннинг еш ўғлини одамлар қўз ўғнида ўлдираётганида унинг

Мамлакат раҳбари таъкидлагани каби, хозирги кунда халқимиз ҳаётида ҳам янги тонг отмоқда. Бу — янги тараққиёт, юксалиш тонги. Эл-юртимиз дунёдаги энг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улугвор мақсадлар билан яшамоқда. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибдор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муқдасига айланди. Бу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қамровли лозим бўлган қатор вазифалар амалга оширилиб, муҳим ижобий натижаларга эришилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, айни пайтда доимо ҳаракатдаги ва узок манзилларни қўлаб яшайдиган халқ сифатида биз эришилган ютуқлар билан қиянатчилик қолмаслигини, хотиржамликка берилмаслигини лозим. Бу йўлда қўзлаган марраларимизга этиш ва янги жамиятнинг мустақкам пойдеворини яратиш, Ўзбекистон шухратини олмага ёйиш билан боғлиқ долзарб вазифаларимиз борлигини яқини англаймиз.

Жуда тўғри айтилган фикрлар. Ҳозир эришган ютуқларимиздан қувонадиган, хотиржамликка бериладиган фурсат эмас. Чунки бугунги дунё бизнинг одатий қарашларимизни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бу гаплар, бизнинг назаримизда, энг аввало, халқимизнинг миллий бирлигига боғлиқ экани ҳам барчага аён. Юртимиздаги шонли ва қора кунлар тарихи биздан бугунги кунга зийрак назар, ўткир тафаккур, ақл иродаси, кўнгли тахлили билан муносабатда бўлиши талаб қилмоқда. Аммо муайян ҳаётий таърибга эга бўлган фуқаро сифатида бу борада ҳали бажаришимиз лозим бўлган қатор вазифалар кўнданкўн бўлиб турганини унутмаслигимиз зарур.

Хўш, бугунги Ўзбекистон шароитида миллий бирликка эришишни ижтимоий ҳаракатга айлантириш учун нима қилиш лозим? Шубҳасиз, бу саволга ҳар ким ўзи-ўзи жаваб бериши мумкин. Менинг назаримда, биринчидан, аҳолининг муайян қисмида шаклланиб қолган, баъзи ҳолларда янада қучайиб бораётган майда машийт тафаккур тарзини ислох этиш зарур. Бу осон иш эмас. Бундай одамлар тафаккур тарзида устуворлик фақат моддий мақсадга қаратилган. Алломалимиз таъкидлаганидек, улар ўз танасини руҳиятга бўйсундириш олмайдиган кишилардир. Бундайлар кўпгина моддий неъматлар, озгина нуқтасий мақсад олдиде ўз қарашлари, иқтисод назарларини ўзгартиришга мойил бўлади. Ватан, миллат манфаатлари ана шундай кишилар учун ўз устуворлигини йўқотади.

Иккинчидан, ҳар қандай миллий бирликнинг қушандаси маҳаллийчилик ҳисобланади. Маҳаллийчилик — миллатни ичидан еб битирадиган қурт, десак хато бўлмайди. Шунингдек, маҳаллийчилик — майда фикрлашнинг меваси, миллий тараққиётнинг мазмун-моҳиятини билмаслик оқибати.

Тўғри, биз ҳар биримиз тўғилиб ўсган жойимиз, маҳалламизни қадраймиз, ундан ғуруланамиз, ифтихор туғғусини туямиз. Бироқ бу нарса ҳеч қачон соғлом маҳаллийчиликка таъсир этмаслиги керак, деб ўйлаймиз. Соғлом маҳаллийчилик бизга ўз киндик қони тўкилган маҳалламиз, кўчамиз, уйимизни севиш ва ундан ифтихор қилиш орқали Ватанга муҳаббат, миллатдан ажралмасликка, миллий бирлик, дея аталадиган юксак маррага олиб борадиган стратегик йўл, кўприк.

Бироқ бу борада ҳали бажаришимиз лозим бўладиган ишларимиз жуда кўп. Маҳаллийчилик кўпгина коррупция ҳолатига олиб борадиган йўл эканини ҳам

унутмаслик муҳим. Бунга мисоллар жуда кўп. Айрим катта-кичик раҳбарларимиз амал "тахтиравон"га ўтириши билан ўз атрофини маҳалладошлари, яқинлари билан тўлдирди. "Ишончли кадрлар" билан бойитишни афзал кўраётгани аччиқ ҳақиқат эмасми?!

Агар биз ҳаётимизда хозир ҳам учраб турадиган маҳаллийчиликдан иборат паст, майда "тафаккур"дан халос бўлмас эканмиз, том маънодаги миллий бирлик тўғрисида бонг уриш беғойда.

Учинчидан, миллий бирлиكنинг ҳам назарий, ҳам амалий асосини Ватан тўғриси ташкил этиш лозим. Миллий бирлик янага ватан тўғриси, ватан ҳисси-га шакллантира олади. Ватан ҳисси — шу рўз эгаси бўлиши халқни библишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қадир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда — ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда — Ўзбекистонни тушуниш демакдир.

Зотан, Ватанин куруқ шиорлар билан севиб, ардоқлаб бўлмайди. Ватанин севиш унинг давлат таърифлари, бийликларини, айни пайтда, биз қўқорида мисол сифатида келтирган ҳолатларда ҳам ардоқлашни талаб этади.

Халқимиз жуда қадимдан пайдо бўлган, шаклланиган, вақтлар ўтиши билан сайқаланган миллий қадриятларга эга. Биз булардан фахрланамиз, ифтихор туямиз. Миллий бирлиكنи таъминлашда ўша қадриятларимизнинг ҳар бири алоҳида ўринга эга. Аммо бугун миллий бирликнинг шаклланишга сезиларли ижобий таъсир кўрсата оладиган миллий қадриятларимиз иерархиясидаги асосий омилларни топа билишимиз ҳам ўта муҳим. Бизнинг назаримизда, бундай иерархиянинг энг асосий ўрнини Ватан тўғриси эгаллаш лозим. Миллий бирлик ватанга бўлган том маънодаги муносабат, уни яхши ва ёмон кунларда ҳам бир хил севиш, бунинг учун Аллоҳ инъом этган ҳақда давлат тарафидан яратилган барча имкониятларни ишга сола билиш имкони ва қобилияти туфайлигина эришиш мумкинлигини англаш жуда муҳим.

Тўғричидан, миллий бирлик тўғриси ва унинг зарурлиги у ёки бу титул миллатига тегишли ҳис эмас. Биз миллий бирлик ҳақида фикр юритиб эканмиз, ҳеч шубҳасиз, гап мамлакатимизда иннок ва ахил меҳнат қилиб, истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларини назарда тутмайди. Кўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги, ҳамжихатлиги юртимизнинг энг катта бойлиги ва барча ютуқларини зарур дорадир.

Миллий бирлик, деганда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини ягона мақсад — Янги Ўзбекистонни барпо этиш гоғси асосида бирлаштириш назарда тутилади. Миллий бирлик кенг қамровли, бутун жамият тарихий тақдирга тегишли тушунча ва унинг оқибати мамлакат ҳамда ҳар бир миллатнинг янада ривожланиши ёки таназзулига сабаб бўлади.

Бугун дунёнинг қатор мамлакатлари ва минтақаларида миллий ҳамда этник можаролар қучайиб бораётган бир шароитда Президентимиз турли миллат вакилларини ягона мақсад йўлида бирлаштириш борасида олиб бораётган ва халқимиз қўлаб-қувватлаётган сёвбат жамият барқарорлигини таъминламоқда. Бироқ бу борада ҳам талай ишларни амалга ошириш лозим. Масалан, ҳар бир миллат ва элатнинг миллий, маданий эхтиёжларини ўрганиш, тахлил этиш, уларни қондириш билан боғлиқ сёвбат ҳар доим устувор аҳамият касоб этишини таъминлаш керак, деб ҳисоблаймиз.



Шу ўринда яна бир мулоҳаза: миллий бирлик бағрикенглики асло инкор этмайди. Аксинча, у бағрикенглик гоғсини тақозо этади. Ҳар икки тушунча барча жамиятлар ривожланишининг энг устувор омилларидир.

Бешинчидан, миллий бирлиكنи қуруқ сафсатабиллик билан таъминлаш асло мумкин эмас. Ватанпарварликни таъсирли йўқ широлар, бесамар тадбирлар орқали қучайтиришга уриниш, бу масалага кўр-кўрона ёндашиш сохта фанатизмни юзага келтиришни ҳам унутмаслик керак. Бу борадаги сохта фанатизм аслида юксак эътиқодга айланмаган, миллий бирлик ва ватанпарварлик гоғларини юзаки, таъсирсиз қабул қилиш орқали шаклланган ҳаётий тафаккурдир.

Биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш эканмиз, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий қиёфасида том маънодаги энг устувор белги, ҳеч шубҳасиз, миллий бирлик феномени бўлиши лозим. Бу борада бугунги кунда амалга оширилган кўп ижобий ютуқларни эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон жамиятида миллий бирлиكنи янада мустақкамлаш учун қатор ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз. Жумладан, **"Янги Ўзбекистон жамиятининг миллий бирлиги"**, деб номланган алоҳида концепцияни ва унда кўтарилган вазифаларни амалга оширишининг Миллий дастурини ишлаб чиқишни мақсада мувофиқ биламиз.

Концепцияда миллий биқлик ёки маҳдудликдан иборат миллатни орқага судровчи сохта гоғлар, тор тушунчалар бугунги кун нуқтани назаридан ўз баҳосини олиши лозим. Концепциянинг энг устувор гоғси **"Ягона Ўзбекистон"** тушуначисида ўз аксини топиши керак, деб ўйлаймиз. Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари маъзур ҳужжатда ўз миллий тараққиётининг яқин ва узок келажакдаги тараққиёти бўйича стратегик йўналишларга эга бўлиши зарур.

Тўғри, бундай имкониятлар ва яратилиши шарт бўлган мамлакатлар Конституциямизда, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Аммо тақлиф этилаётган концепция маъзур масалага алоҳида ёндашилгани, миллий бирлиكنи таъминлашнинг энг устувор йўналишлари белгиланиши, вазифаларни адо этиш механизмлари ишлаб чиқилгани билан ажралиб туриши керак. Бундай концепцияни, назаримизда, Ўзбекистон жамиятида истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг **"Ягона Ўзбекистон"**ни барпо этиш йўлидаги ижтимоий ҳамкорлик бўйича ҳужжати сифатида қабул қилиш ҳам мумкин.

Ўзбекистон жамиятида мустақкам миллий бирлиكنи шакллантиришининг энг самарали йўлларида яна бири, бу — миллий тарихимизни ўрганиш масаласи.

Президентимиз "Янги Ўзбекистон тарихий стратегияси" китобида **"Маълумлик, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожияли қунарларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакики, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён — у галаба ёки мағлубиёт бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими — барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир.** Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини ахлит ҳолда қабул қилишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва галабалардан қуч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан ҳулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажакни тўғри белгилай олади", деб ёзади.

Ҳақ гаплар. Халқимиз ўз шонли тарихи давомида қўлга киритган ютуқлар билан бирга боғи берилган имкониятлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг асосий сабаби ҳам миллий бирликдан иборат ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, гоғвий-мафкуравий ҳодисанинг турли объектив ва субъектив омиллар туфайли эътиборга олинмаганида, дейишга асослар кўп.

Биз бугун турли шаҳсий, табақавий, тор миллий манфаатлар исқанжасидан озод бўлиб, ҳақиқий маънодаги миллий бирлиكنи таъминлай оلسакми, олдимизда турган юксак яратувчиликдан иборат умуммиллий ижтимоий ҳаракатни шакллантиришимиз, бунинг оқибатида жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, барча ижтимоий гуруҳларини бирлаштира оламиз. Бу эса, шубҳасиз, жоанжон Ватанимизни янада юксалтириши, "Ягона Ўзбекистон" гоғси эса реал амалий ҳаракатга айланади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Фаргона вилояти: “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ



Ҳеч ким муаммолари билан ёлғиз қолмайди

Бошланғичи 1-бетда

Чекка қишлоқда унинг раҳбарлигидаги “Марҳаматхон устоз-шоғирд” корхонасида қўй ва эчки жунидан ип йигириш, ранг беиш, турли қўриниш ва ўлчамларга эга гилла ва шолча тўқиш, газламага гўл бошиш, ётоқхона чойшаблари тайёрлашга маҳалладаги 100 нафарга яқин хотин-қиз касаначилик асосида жалб этилган.

Корхонада ҳунар ўрганиб, касаначи сифатида иш бошлаганимга бир йилдан ошди. — дейди гиламдўз Хадичахон Хошимова. — Уй юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ажралмасдан 3 миллион сўмгача даромад топиб, рўзгоримизни бутталаймиз.

Табиий хомашёдан тўқилган гиламлар Қирғизистон ва Туркияга ҳам экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, тадбиркор ташаббуси билан Қувасой шаҳридаги “Арсив” маҳалла фуқаролар йиғинида тўқув ва тикувчилик йўналишида “устоз-шоғирд” мактабига асос солинди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 20 нафар ёш тикувчилик ва тўқувчилик сирларини ўрганмоқда.

Фаргона вилоятида касаначи хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларни ижтимоий ҳимоялаш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлар қўлами кенг. — дейди Фаргона вилояти ҳокими уринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комилахон Кавлонова. — Кейинги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга эътибор ортиди. Биргина хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 миң 642 нафарига кредит ажратилди. Ҳар бир шаҳар ва туманда хотин-қизлар тадбиркорлик маркази филиаллари ташкил этилди.

Бу ерда 12 йўналишда меҳнат бозорини талаб қўриб, касб-ҳунарларга ўқитиш ва назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш учун шароит яратилди.

Касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича “Фаргона тажрибаси” яратилмоқда. Шу мақсадда жойларда 62 та Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази ташкил этиш кўзда тутилган. Бугунга қадар бу йўналишда 13 марказ ишга туширилди.

Фаргона туманидаги “Саноатчилар” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган марказ ҳунар ўрганиш истигади бўлган хотин-қизлар билан гаवжум. Шу кунга қадар қандалотчилик йўналишида 50 нафар аёл ўқитилиб, бандлиги таъминланди.

— Жорий йилда яна 70 нафардан ортиқ хотин-қизни иш билан таъминлаш борасида иш олиб бораёلمиз. — дейди марказ раҳбари Зухраҳон Қурбонова. — Бу ерда нафақат ҳунар, балки аёллар саломатлигини тиклаш учун ҳам керакли шартнолар яратилган ҳаракат қилияёмиз. Шу мақсадда бир қанча соғломлаштириш тўғрисидаги фаолиятини йўлга қўйдик. Аёллар ўзлари қизиққан ҳунар бўйича малака ошириши ҳамда соғломлаштириш тўғрисида қатнашиш имкониятига эга.

Балиқ эмас, қармоқ берилмоқда

Ёзёнов туманидаги “Дўстлик” МФЙ, Увайсий кўчаси, 63-ўйда яшовчи Уғилой Илғиталиева тадбиркорлик қилиш истигади бўлган хотин-қизлардан. Лекин сармош йўлиги иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб келарди. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб беришга кўмаклашилди. Уй шароитида “Жозива” номли тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйиб, 10 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга эришди. Яратилган имкониятдан мақсадли фойдаланиб иш юритаётган бу оқила аёлга бугун кўпнинг ҳаваси келади.

— “Аёллар дафтари” имтиёз эмас, балки катта имконият, — дейди тумандаги Хонобод маҳалласида яшовчи Одинахон

Мухими, берилган имтиёزلардан фойдаланиб, камбағалликдан чиқиб, фаронин яшаётган оилалар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Шу кунга қадар “Аёллар дафтари”га киритилган барча тоифадаги 79 миң 463 хотин-қизга тегишли тартибда ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун республика ва маҳаллий бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан 104,5 миллион сўм сарфланди.

Таълим ва тарбия — қўш қанот

Кейинги йилларда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари манфаати, таълим ва тарбиясига эътибор ортиди. Утган йилда илмга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 миң 219 хотин-қизга тавсиянома берилди. Улардан 208 нафари олий таълим муассасаларига имтиёзли квота асосида ўқишга қабул қилинди.

— Ота-онам биринчи гуруҳ ногирони. Улар мен олий маълумотга эга бўлиб,

Шунингдек, 150 нафар етим, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизга маҳаллий бюджетдан 538 миллион сўм миқдорда контракт тўловлари тўла берилди. 9 миң 253 хотин-қизга тижорат банклари томонидан имтиёзли таълим кредити ажратилишига кўмаклашилди. “Аёллар дафтари”га киритилган 29 хотин-қиз ва уларнинг 13 нафар фарзандига олий ўқув юртыдаги тўлов-шартнома маблағлари тўла берилди.

Ажрелишлар олди олинмоқда

Ҳар бир ҳудудда Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолият кўрсатяпти. Бу ерда никоҳланувчи ёшларга оила илmidан сабоқ берилса, ёш қайнона-қайноталари билан оилаларни мустаҳкамлаш ҳусусида суҳбатлар ўтказилмоқда.

— Оилаларни мустаҳкамлаш ҳафталиги” деб эълон қилинди. Ҳафталик доирасида маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган 22 060 маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Келишимчилик бўлиб, келиним ота уйига кетиб қолган эди, — дейди Фаргона шаҳри “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳамидхон Холмиқова.

— Қудаларим, маҳалла фаоллари уйимга келиб, мавжуд ҳолатни ўрганди. Келинимга йўл-йўриқ қўрсатди. Эътиборсизлик, кибр-ҳавога берилиб ортимиздан улғайиб бораётган қора кўзлар тақдирига бепарқ бўлмастек чакирди. Келиним ҳам хатоталарни тушуниб етди. Ҳозир ақил-инок ҳаёт кечираёلمиз.

Амалий ишлар натижасида ажрелиш ёқасига келиб қолган 3 миң 355 оила яраштирилди. Натияжада 3 миң 552 нафар мурғак бола етимликдан асраб қолинди. Шунингдек, ички ишлар профилактикаси рўйхатига киритилган нотинч оилаларнинг намуналии оилаларга бириктирилиши натижасида 1 миң 216 оила ҳисобдан чиқарилди.

— Ажрелишлар сонини камайитириш борасида ишларимизни янада яхшилашимиз зарур, — дейди Фаргона вилояти ҳокими уринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комилахон Кавлонова. — Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш мақсадида “Ижтимоий мослаштирув хоналари” ташкил этилиб, 520 нафар хотин-қизга амалий ёрдам йўсали берилди.

Хотин-қизлар муаммосини ўрганиш ва ҳал қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар аҳоли оғирини енгил, узогини яқин қилиш имконини бермоқда. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Эҳтиёссизлик сабаб деразадан йиқилиб, тушакка миҳланди қолганман, — дейди кўкнлик Сайёра Шералиева. — Турмуш ўртоғим 2 нафар фарзандим билан ташлаб кетди. Жуда қийин шароитда, ижарада яшаб кўн ўтказдик. Оилавий аҳволимиз юзасидан Оила ва хотин-қизлар бўлимига мурожаат қилдим. Шароитимизни ўрганиб, шаҳар марказидан 2 хонали уй беришди. Ҳамма шароитлар мужассам жойда эмин-эркин яшаш бахтига муяссар бўлганимга шуқорналар қиламан. Ҳаммаси учун раҳмат.

Утган йилнинг ўзида уй-жойга муҳтож 929 хотин-қиз хонадон билан таъминланди ҳамда 1 миң 175 нафарига тураржой учун ижара компенсациялари тўла берилди. Шунингдек, боқувчисни йўқ хотин-қизлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, қарамоғида ногирон фарзанди бор жами 49 миң 376 нафар хотин-қизга бир марталлик моддий ёрдам маблағлари берилди. Уй-жой таъмирланиши зарур бўлган 367 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Сектор раҳбарлари тавсияларига асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож 269 нафар хотин-қиз бир марталлик моддий ёрдам олди. “Аёллар дафтари”га киритилган барча хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Сирасини айтганда, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп. Бу эзгу амаллар “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да янада бардавом бўлади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

Тадбиркор ўз гоёсини амалга ошириш орқали даромад олади, иш ўрни яратади, аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондиради ва давлат ғазнасига ҳам ҳисса қўшади. Шу боис, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ҳайдар ЎРОҚОВ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлар маслаҳат жамоатчилиги кенгаши раиси



Президентимиз тадбиркорлар билан 2021 йилдаги учрашувидан кейин ўтган вақт мубайнида бизнес муҳит яхшилашнинг натижасида ҳамкасбларим томонидан 55 миңдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 миңгага кўнайиб, жами 26 миңтаги ташкил этади. Яна миң нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларга гача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион доллардан иборат. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 миңга бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган. Улар сафида биз каби ишбилармонлар борлигидан фахрланиман.

Зеро, бир пайтлар бундай ютуқ ва эркинликларни тасаввур қилиш қийин эди. Бундан 32 йил олдин Жомбой туманида тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимда рўйхатдан ўтишда жуда катта муаммо бўлган. Ушанда олган гувоҳномамнинг рақами 00001 бўлган. Устав шакллантириш учун бир неча бор Тошкентга бориб келишга тўғри келган, шунда ҳам юридик ташкилотлар учун фалон пулга устав нусхаси сотиб олинган, кооперативлар учун умуман, нисоз йўқ эди. Ҳозир бу масалалар онлайн тарзда бир неча дақиқада ҳал бўлади.

Ушайлларни кўп қийинчилик билан “Навобод насли парранда” кўп тармоқли фермер ҳўжалигини ташкил этиб, паррандачилик фаолиятини йўлга қўйдик

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ, ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА САБАБ БЎЛАПТИ

киритилди. Кенгаш тадбиркорлар билан “очик мулоқот”да билдирилган тақлиф ва ташаббусларнинг ўз вақтида ижро этилиши, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсик ва гов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ҳамда ваколатли давлат органларига тақдим этиш каби масалалар билан шуғулланади.

Шундай кезде беихтиёр Амир Темур бобимизнинг салтанат ишларининг ақсарият улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан олиб бориши, азми қатъий тадбиркор мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқ эканлиги ҳақидаги ўғитлари ёдга тушади. Бугунги кунда бу маслаҳатлар амалий ишга айланган, десам муболаға қилмаган бўламан. Хусусан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузурида бир ярим йилдан буюн иш олиб бораётган тадбиркорлар жамоатчилиги маслаҳат кенгаши тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тизимли муаммоларни ечиш имкониятларини белгилаш ҳамда стратегик инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг аъзолари тадбиркорликни ривожлантириш ва мавжуд муаммолар бўйича фикр ва тақлифларни тўплади, уларнинг энг долзарблари бевосита вилоят ҳокими иштирокида муҳокама қилинади. Бу жуда муҳим. Чунки тақлифлар орасида асосан, тизимли муаммолар, тадбиркорликнинг ривожига тўсик бўлаётган масалалар таҳлил этилади ва уларнинг ечимлари ишлаб чиқилади.

Хусусан, ўтган йил август ойида бўлиб ўтган учрашувдан кейин Президентимиз ҳузурида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат кенгаши ташкил этилиб, унга Президент Администрацияси раҳбари раислик қиладиган бўлди. Мазкур кенгаш тарихига вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, бизнес вакиллари

субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш, қўшилган қиймат солиғини қайтариш, электр, газ таъминотидаги зулишларнинг бартараф этиш сингари масалалар бўйича доимий асосда амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериб келинмоқда. Уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланишида қўл келади.

Янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш масалалар, томоқчиликлар даромадини ошириш, йирик кўп тармоқли корхоналарда бошқаришни тақомиллаштириш ва замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳам диққат марказида турган масалалар сирасига кирди. Тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлаш, иш жойида тренинглар ташкил этиш, ҳамкорликда ишлаш масалаларига ҳам кўмаклашиб келинапти. Бунга мисол сифатида “Ургу” эркин иқтисодий зонаси резиденти саналган Самарқанд шаҳридаги “Azia Metall Prof” корхонасининг қуввати

йилига 120 миң тонна руҳланган ва полимерланган тунука ҳамда ўрамали металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводлари, Жомбой туманидаги халқаро кургачлар мажмуаси, Қўрашот тумани Чиммоз маҳалласидаги “Zarafshon textile” МЧЖнинг 500 иш ўрнига эга трикотаж фабрикасининг ишга туширилишини келтириш мумкин.

Кенгаш ташаббуси билан “Ишбилармонларнинг “Янги Самарқанд” ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашувчи жамоат фонди” таъсис этилди. Унга тадбиркорларнинг маблағлари тўплайилган, грантлар асосида лойиҳалар молиялаштирилиб борилади.

Кенгаш йиғилишлари ўзига хос тажриба алмашиш майдончасига айланган. Ҳар бир йиғилиш бирор-бир тадбиркорлик субъектида бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, тадбиркорлик маданияти ўрганилади. Масалан, “Nuri kelajak ishonch servis” қурилиш корхонаси меъбонлик қилган кенгаш йиғилишида тураржой



массивлари барпо этишдаги замонавий ёндашув — сув, сувқова, электр ва алоқа тармоқларини махсус қурилган туннеллар орқали ўтказиш масаласи қўрилди. Бу билан коммуникацияларни зарур бўлганда таъмирлаш, носозликларни бартараф этишда кўча ва пиёдалар йўлакларини қазининг олди олинган ҳамда массивда тадбиркор томонидан бошқарув компанияси тузилиб, аҳолига кафолатли хизматлар ташкил этилган кўпчилик учун ҳам янгилик, ҳам ибратли тажриба бўлди.

“Sam Antep Gilam — SAG” гилам ишлаб чиқариш корхонаси кўп тармоқли фаолиятни самарали бошқариш, унда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси билан ўртоқлашди. “Agromig group” мева-сабзавотларни қайта ишлаш компанияси қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, турларни кенгайтириш ва экспорт қилиш ишлари билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Келажак режаларимиз катта. Тадбиркорлар учун “Ургу” эркин иқтисодий зонасининг вилоятимизнинг барча туманларида филиалларини очиш, кичик саноат зоналари сонини 64 тага қўпайтириб, 90 тага етказиш соҳани жадал ривожлантириш, узоқ туманларни санатлаштиришда катта туртки бўлади. Шу билан бирга, фойдаланилмай турган кўчмас мулк объектиларни сифатини назорат қилиш, турларни кенгайтириш ва экспорт қилиш ишлари билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Келажак режаларимиз катта. Тадбиркорлар учун “Ургу” эркин иқтисодий зонасининг вилоятимизнинг барча туманларида филиалларини очиш, кичик саноат зоналари сонини 64 тага қўпайтириб, 90 тага етказиш соҳани жадал ривожлантириш, узоқ туманларни санатлаштиришда катта туртки бўлади. Шу билан бирга, фойдаланилмай турган кўчмас мулк объектиларни сифатини назорат қилиш, турларни кенгайтириш ва экспорт қилиш ишлари билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Бундай имтиёз ва имкониятлар тадбиркорликни ривожлантириш, жамятда ўрта бизнес вакиллари сонининг ортиши, янги иш ўринларининг қўпайишига кенг йўл очади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда ички ишлар органларига замонавий технологиялар ва иш услубларини жорий этиш, профессионал етук кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш борасидаги чора-тадбирлар бугун янги босқичда давом эттирилмоқда. Президентимиз илгари сурган "Агар давлат таънади асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим, бу — ички ишлар соҳаси", деган ҳаётий тамойил ўз аксини топмоқда.



Шариф ҚОБИЛОВ,
ИИБ Академияси
профессори, полковник

Ушбу таърифдан "Инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар тақдирини учун ҳам, халқи тақдирини учун ҳам жавобгар", деган фазилатни қарор топтиришга даъватни англайди киши. Зеро, инсоний фазилат, ахлоқ-одоб мустаҳкам маънавий маконда вужудга келади ва юксалади. Инсонпарварлик — умумбашарий маънавий-маърифий тараққиётнинг умумэтироф этилган принципларидан бири.

Ҳа, Янги Ўзбекистон — донишманд бобо-момоларимизнинг кўп минг йиллик ахлоқий-руҳий, ҳаётий тажрибалари, устозларнинг илму ҳикматга бой таълим-тарбияси қарор топган маънавий макон.

Бугунги кунда тизим фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, марказий аппаратдаги шахсий таркибининг 85 фоизи бевосита аҳоли яшаш пунктларига, қўйи тизимларга таъинланди. Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, муносабатларини туну кун қабул қилиш, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида жойларда ички ишлар бўлими ва бўлимчалари фаолияти қайтадан ташкил этилди.

Эндиликда тизим ходимлари инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозимлиги, эскича фикрлаш, хизматни эски "қолиплаган" асосида эмас, ўз бурчининг элга хизмат тамойилига асосланиб бажариш кераклигини англаган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Бироқ айримларнинг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишига доир ҳолатлар ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётгани ички ишлар органлари обрўсига путур етказётгани ҳам сир эмас. Бу ўз-ўзидан ходимларда белгиланган ваколатларини бажаришда профессионализм етарли эмаслигини, бунинг учун маънавий ва маърифий тайёргарлик муҳимлигини кўрсатади.

Маънавий-маърифий тайёргарлик — асосий восита

2021 йилнинг 2 апрель куни қабул қилинган "Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси"нинг ҳаётга изчил таъбиқ этилиши натижасида соҳа ходимларида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, муомала маданиятини юксалтириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар аҳоли билан ишлаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатди. Тизимда эришилган ютуқларнинг ёрқин намунаси сифатида маънавий-маърифий тарғибот йўналиши бўйича "Энг намунаси вазирилик ва идора" танловида Ички ишлар вазирилик жамоаси 2021 йилда иккинчи ўринни, 2022 йилда эса биринчи ўринни қўлга киритганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ички ишлар органлари ходимларининг кундалик хизмат фаолияти доимо фуқаролар кўз ўнгига. Шу боис, ҳар бир ходимдан юксак касб маданияти, чўқур ҳуқуқий-сиёсий, маърифий билим талаб этилади. Афсуски, юқорида айтилганидек, айрим ходимлар хизмат интизоми ва қонунийлик талабларини кўпол равишда бузиб, ҳалол, виждонли ходимларнинг самарали хизматларига соя солмоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти, унинг

жойлардаги бўлим ва бўлимчалари ходимлари ҳамда ички ишлар органлари фахрийлари томонидан шахсий таркиб ўртасида тарбиявий-профилактик ишлар олиб борилапти. Концепцияга мувофиқ, ходим ички ишлар органларида ўз қадр-қимматини ҳис қилган ҳолда, дўстона, очик бўлиши, фуқароларга хушмуомала бўлиш орқали уларда ички ишлар органларига нисбатан самимий ҳурматни уйғотиши керак. Ҳис-туйғуларга берилиши, ёмон кайфият каби иллатлар фаолиятга таъсир қилишига йўл қўймаслиги, уларнинг оқибати нималарга олиб келишини билиши лозим.

Муҳим мезон

Жорий йил 20 январь куни Президентимизнинг "Ички ишлар органларини халқчил профессионал тизимга айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан "Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодекси" тасдиқланиб, у қуйидаги асосий мақсадларга йўналтирилгани билан ўта аҳамиятлидир.

— *ички ишлар органлари ходимларини "Инсон қадрини учун" тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинкам розилишига эришиш;*

— *ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;*

— *ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ноқўйи хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.*

Юқоридаги мақсадлар ўз-ўзидан қўйилмади. Ички ишлар органлари ходимларининг хулқ-атвори, юриш-туриши, мулоқот маданиятига талаблар кучайди. Энди маънавий тарбия ва ахлоқий фаровонлиқни моддий эҳтиёжга айлантириш эмас, аксинча, маънавий тарбия ва ахлоқий фазилатларни юксалтиришни ҳаётини ва касбий эҳтиёжга айлантириш профессионал тизимга фаолиятнинг талабидир.

Мазкур Кодекс ички ишлар органларида хизмат олиб боришда ходимларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини биринчи ўринга қўяди. Турли ҳаётий вазиятларда уларнинг хатти-ҳаракатлари умуминсоний ахлоқ талабларига мос келиши кераклигини тартибга солади. Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимнинг ахлоқий қадриятлари маънавиятнинг асосини ташкил қилиши кераклиги, касбий бурчи, шаъни ва қадр-қиммати, ор-номуси, маънавий етуқлиги, унинг хизмат вазифаларини бажаришга сидқидилдан тайёрлиги энг муҳим мезон бўлмоғи даркорлигини кўрсатади.

Профессионализм асоси

Ички ишлар органларининг замонавий қиёфасини шакллантиришда ватанпарварлик энг муҳим омил,



ходимларнинг замонавий қиёфасини ботиний белгилайдиган ички сафарбарлик кучи, она Ватан билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий табиий ҳодиса, ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. Ватанпарварлик ҳукмрон бўлган ижтимоий муҳитда тинчлик, фаровонлик бўлади, жамият ривожланади.

Ватанпарварлиқни ўз фаолиятида намоён қилган ички ишлар ходимлари мамлакатимиз манфаатлари, унинг тараққиёти учун ўз халқига содиқ хизмат қиладиган, зарур бўлса, жонини ҳам аямайдиган, ўзбек халқи манфаатлари, озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган инсондир.

Ходимларнинг касбий фаолияти ички ишлар органларида маълум бир ахлоқий меъёр ва қоидалар билан тартибга солинади. Таълим принциплари, қадриятлар ва ахлоқ нормалари, ходимнинг оилавий муносабатлари, топширилган вазифага ҳамда атрофдагиларга бўлган муносабат каби касбий этиканинг таркибий қисмлари шулар жумласидан. Шу боис, "Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодекси" соҳадаги касбий маданият ва хизмат интизоми таъминлаш йўллари оидинлаштириб берди.

Кодексни пухта ўрганиш асосида соҳа ходимлари ижтимоий муаммолардан воқиф бўлиши кераклиги, жамият, демократик эркинликлар, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар билан мулоқотга киришганда, ахлоқий меъёр қоидалари ва юқори касбий ахлоқ талабларига ҳам риоя қилиши зарурлигини англайди. Келтирилган ва қўйилган талаблар, жумладан,

“ **КОНЦЕПЦИЯГА МУВОФИҚ, ХОДИМ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЎЗ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИС ҚИЛГАН ҲОЛДА, ДЎСТОНА, ОЧИҚ БЎЛИШИ, ФУҚАРОЛАРГА ХУШМУОМАЛА БЎЛИШ ОРҚАЛИ УЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА НИСБАТАН САМИМИЙ ҲУРМАТНИ УЙҒОТИШИ КЕРАК. ҲИС-ТУЙҒУЛАРГА БЕРИЛИШ, ЁМОН КАЙФИЯТ КАБИ ИЛЛАТЛАР ФАОЛИЯТГА ТАЪСИР ҚИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИГИ, УЛАРНИНГ ОҚИБАТИ НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШНИНИ БИЛИШИ ЛОЗИМ.**

ахлоқий тамойиллар ва нормаларни ифодаловчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орган ходимининг ахлоқий характери, унинг давлат ва фуқаролар билан муносабатининг моҳияти Кодексда белгилаб қўйилган.

Замонавий ходимнинг маънавияти ўз устида доимий мустақил ишлаш, ўзини янада такомиллаштиришни

тақозо этади. Профессионализм касбий этикани талаб қилади. Мутахассислар касбий этикани маълум ахлоқий меъёрларни ўз ичига олган инсоний муносабатлар, деб таърифлайди. Ҳар бир ходим касбий этикага ўз хизмат бурчидек муносабатда бўлиши, юксак ахлоқий фазилатларини намоён қилишни касбий зарурат, деб қараши керак.

Ҳалоллик вакцинаси

Замонавий ички ишлар ходими агар ўз касбининг мазмун-мақсади моддий бойлик топиш йўли ёки пул манбаидан иборат, деб ўйласа, у юқори даражадаги маънавият эгаси эмас. Ички ишлар ходимининг ахлоқий замонавий фазилатлари орасида адолат, ҳалоллик, маънавият, ахлоқий ва интеллектуал манфаатларнинг моддий манфаатлардан устунлиги алоҳида ўрин тутди.



“ **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВАТАНПАРВАРЛИК ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ, ХОДИМЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ БОТИНИЙ БЕЛГИЛАЙДИГАН ИЧКИ САФАРБАРЛИК КУЧИ, ОНА ВАТАН БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ИЖТимоий ТАБИЙ ҲОДИСА, ИЖТимоий ТАРАҚҚИЁТ МАҲСУЛИДИР. ВАТАНПАРВАРЛИК ҲУКМРОН БЎЛГАН ИЖТимоий МУҲИТДА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ, ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНДИ.**

юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдирини назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда "Е-номзод" электрон ахборот тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, ҳолис ва шаффоф тизимини яратиб, ўрнатилган тартибларни тубдан соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилади, бу ички ишлар тизимини соҳага зид иллатлардан асрайди.

Таъкидлаш керакики, айнан ҳалоллик ва адолат идеали тизим иммунитетини кучайтиради, ўзини ўзи тозалаш, назорат қилиш ва бошқаришни таъминлайди. Кодексда қўйилган мақсадларга эришиш учун ички ишлар органларининг шахсий таркибини ҳалоллик вакцинаси билан "эмлашга" эришиш йўлида соғлом кучларни сафарбар этиш керак. Акс ҳолда тизим деформацияга учрайди. Бунинг учун ҳар йили ҳалоллик ва адолат индикаторлари бўйича ходимларни ўрганишни йўлга қўйиш мақсада мувофиқ.

Ҳалоллик вакцинаси ички ишлар органлари ходимларининг "иммуни-тети"ни яратувчи бош омил ҳамдир. Шу боис, тизимдаги ходимларни

— *ички ишлар органлари фаолиятидаги тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ижтимоий фикр ва жамият манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш чораларини кўриш;*

— *ички ишлар органлари фаолиятидаги коррупция ҳолатлари бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни баътафсил ўрганиш ва унинг натижасини кенг жамоатчиликка етказиш.*

Касбий маданиятни юксалтириш тамойили

Бугун бўлажак ички ишлар органлари ходимининг касбий маданияти ва одоб-ахлоқ нормалари ва қоидалари билан бир қаторда билими, психологик тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирилик Академиясида тахсил олаётган курсант ва тингловчиларга "Ватанпарварлик тарбияси", "Жамоатчилик билан алоқалар", "Ички ишлар органи ходимларининг муомала одоби ва эстетикаси", "Нутқ ва касб маданияти", "Муомала психологияси ва конфликтологияси" фанлари бўйича ўқув машғулотлари олиб борилади. Ўқув-машғулотларида курсант ва тингловчилар бўлажак ходимнинг психограммасини тузади, унда фуқаролик бурчи, жасорат, қонун ва тартиб бузилишига қарши курашда муросасизлик, виждонлилик, интизом, ҳуқуқий онингнинг юқори даражаси каби келгуси касбининг мотивация ва қимматли хусусиятларини ҳисобга олади.

Шунингдек, ИИБ Академияси магистратураси тингловчилари ўқув машғулотларида ички ишлар органлари ходимининг мумкин бўлган касбий деформацияси (бузилиши)нинг сабабларини таҳлил қилади ва унинг олдини олиш йўллари оидинлаштирилади. Ички ишлар органлари ходими ўз Ватанига бўлган муҳаббатига ва садоқати, маънавияти, жамоатчилик тадбирларидаги иштироки каби юксак инсонийлик фазилатлари билан ажралиб туради. Фикримизча, ички ишлар органлари ходимининг маънавий-ахлоқий маданияти, профессионаллик, касбий маданияти ходим самарали фаолиятининг энг муҳим омил бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шу боис, ички ишлар органларида фаолият юри-таётган ходим хулқ-атворининг асосий негизини билим, ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда ахлоқий қадриятлар ташкил этади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, юқоридаги қарорда ички ишлар органлари ходимларининг мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ноҳандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур қўшимчаларни шакллантириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси покказа ҳаёт қириш мақсадини кўзлайтиди. Давлатимиз раҳбари талаб қилаётганидек, "Сафаримиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш" борасида эса ҳар биримиз ўз устимизда хали кўп ишлашимиз керак.

Муҳтасар айтганда, мазкур қарор Президентимизнинг "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди", "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак", "Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакики, токи халқ давлатдан рози бўлсин", "Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини қўриши керак", деган тараққиётпарвар гоялари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу қарор ёши ва вазифасидан қатъи назар, соҳанинг барча бўғин раҳбарлари ва ходимларининг профессионал даражадаги касбий, жисмоний, жанговар тайёргарлиги, муҳими, тизим ходимларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини камол топтиришга ҳамда ходимларни ўз устида мунтазам ишлашга мотивация бера оладиган дастурий ҳужжатдир.



ЯНГИ ДАВР НАВОЙШУНОСЛИГИ

НАВОЙ ВАФОДОР ИНСОН СИФАТИДА УЛУҒЛАНИШИ, САДОҚАТ БОБИДА БИЗЛАРГА, АЙНИҚСА, ЁШЛАРГА НАМУНА МАҚОМИДА ШАРАФЛАНИШИ ЗАРУР. ЧУНКИ У ИШҚДА ҲАМ ВАФОДОР, ДЎСТГА СОДИҚ, ЖАМИ ФАЗИЛАТЛАРИ ХАЙРАТЛАНАРЛИ ДАРАЖАДА ИНСОНИЙДИР.

НАВОЙ МЕРОСИНИ ТЕРАН ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА



Ўзбек навоийшунослиги янги босқичга кўтарилмоқда. Бу омили билим кишилари олдида улуғ шoir ва мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий меросининг янги қирраларини очиш, ижодкор асарларини халққа яқиндан танитиш, ёш мутахассисларни етиштириш сингари вазифаларни юклайди. Тошкент давлат шарқшунослик университетида "Янги давр навоийшунослиги: Навоий меросини теран ўрганиш йўлида" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида етакчи олимлар бу борадаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети раҳбари:

— Ўзбек мумтоз адабиёти деганда, биринчи навбатда, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ва унинг бебаҳо ёзма мероси кўз олдимизга келади. Буюк бобомизнинг ўчмас сиймоси, ўлмас мероси инсоният тафаккурига жо этилган бетакорор мўъжизаларини туганмас қирраларини очиб беришда чексиз уммон эканига вақт ўтгани сайин кучлироқ амин бўлиб бораемиз.

Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари Осиё, Европа, Африка ва Америка каби қитъаларнинг турли мамлакатлари коллекцияларида сақланиб келинаётган. Бугунги кунга қадар бу манбалар асосида чет элларда ва юртимизда қатор тадқиқотлар вужудга келди. Ушбу қўлёзма асарларнинг матни тил, адабиёт, тарих ва санъатшуносликнинг турли йўналишларида ҳозир ҳам чуқур ўрганилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда навоийшуносликка оид тадқиқотларда айнан қўлёзмалар устида ишлашга эътибор ортиб бораётгани кўради. Алишер Навоий асарларини муаллиф тиреклиги чоғида ва кейинги юз йилларда китобат қилинган қўлёзма нусхалари ниҳоятда кўп. Чет эл фондларида сақланаётган бундай ноёб манбаларнинг электрон ва фотонусхаларини юртимизга келтириш, илм ахли, қолаверса, китобхон халқимизни маъруз қўлёзмалар билан таништириш вазифалари ҳам кун тартибда турган долзарб масалалар сирасига қиради. Шунинг учун ҳам биз Навоий меросининг ҳали очилмаган қирраларини тадқиқ этишга қизиқмоғимиз керак.

Бу йўналишдаги муҳим вазифалардан яна бири етуқ кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Бунинг учун Ўзбекистон таълим тизимида олий ўқув юрталарининг филология факультетларида навоийшуносликнинг янги авлодини тайёрлашга эътибор қаратилмоғи керак.



Боқижон ТҲУЛИЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори:

— Алишер Навоий миллат тарихидаги нодир ва ноёб ҳодисалар сирасига қиради. Миллатнинг бундай вақиллари аслида бутун инсониятнинг ҳам фахру ифтихоридир. Зеро, Алишер Навоий тилсозида дини ақлининг, илмий ҳамда бадиий тафаккурининг чечу чегара билмаслиги жуда ёрқин тарзда намоён бўлган.

Одатда адабиёт ва санъат ёхуд фан тармоқларининг биргина соҳасида фаолият юритилганининг барчаси ҳам юксак чўққиларни забт эта олавермайди. Алишер Навоий эса бу жиҳатдан феноменал қобилият эгаси эканини ажойиб тарзда кўрсатган. Унинг бир эмиб, балки бирданга қўллаб соҳаларда: тилшунослик ва адабиётшунослик, тарих, диншунослик ва тасавуф борасидаги хизматлари, эришган натижалари улкан кашфиётлар сифатида ўз замонидаёқ эътироф этилган эди. Буюк шоирнинг ўзи таъкидлагандек:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёйдидур.
Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Дониёлий кеби назм аро қодире.*



Кейинги даврларда бу эътирофларнинг чўғи пайсаягани йўқ, аксинча, улар ўз таъсир доирасини тобора кенгайтириб бормоқда, уларнинг жаҳоний эътирофлари кенгроқ дюраларини қамраб олмақда. Замонамизда адиб асарларининг фақат Шарқ эмас, балки Ғарб тилларидаги таржималарининг муттасил қўлаиб бораётгани бу мулоҳазаларни тасдиқлаб турибди.


Муҳаммад АЛИ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Даврларда, ўқувчилар орасида Алишер Навоий ҳақида, унинг ижоди, шахсияти тўғрисида турфа фикрлар, қарашлар, мулоҳазалар юради. Саволлар кўпроқ шоирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ. Масалан, Навоий нега ёлғиз ўтган, оила қурмаган? Бу ҳақда Навоийнинг замондошлари ёзган манбаларда унга қарши ёмон фикр билдирилмайд.

Машҳур навоийшунос Иззат Султон ўз асарларининг бирида "Навоийнинг қалб дафтари" китобига таъриф ёзган атоқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг куйидаги фикрларини келтиради: "Кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, у (Навоий) қимлиги биз учун номтаълим бўлиб келаётган бир қизни севаган. Қиз ҳам унга ёмон муносабатда бўлмаган, илтифотлар кўрсатган. Афсуски, қиз эрта вафот этган. Қизнинг вафоти Навоийдан олмасда руй берган. Шу кунгилсиз фожиядан кейингина Навоий ўзининг унга бўлган муҳаббати чексиз ва беқисс эканини билиб қолган. Бу муҳаббат ўти унинг қалбига умрининг охиригача сўнмаган. Шу сабабли шоир ўзининг биринчи муҳаббатига содиқ қолган — уйлانмай ўтган. Унинг:

*Бор эди, ул ҳамки, бир чоғ бизга ёре бор эди,
Кудли ар ёр ўлмас, филжумла боре ёр эди,
матлави билан бошланувчи ғазали фикримизни муайян даражада тасдиқлай олади. Ғазалнинг охири:*

*Гуйё шукр этмадимки, онсиз ўлмишим бу дам,
У қувшимини йирикман чархи каярафтор эди,
деган байти ҳам бор.*



Навоийнинг, афтидан, ўша қиз вафоти ҳақида хабар келиши муносабати билан ёзилган куйидаги рубоийи ҳам бу жиҳатдан харақтерлидир:

*Яшунган эмиш қаро булутга моҳим,
Гардунни соғурмоқ эрур дилҳоҳим.
Кирмиш қаро тупроққа*

*куёшдек шоҳим,
Невчун қаро қилмасун*
куёшни оҳим".

Муҳтарам алломаларимизнинг ишончли ҳаётини мантиққа суянган ушбу фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаш лозим. Келтирилган мисоллар рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Шу ерда бир масала келиб чиқади: агар юқоридаги тахминлар рост бўлса, бу муҳаббат қаерда, қачон юз берди экан? Бундай ҳақиқий, чин муҳаббат инсон умрида қайси фаслларда юз берди, деган саволга жавоб топишимиз жоиз. Чин муҳаббат ҳамма ёшда ҳам келавермайди. Чин севаги пок нарсасидир, пок нарса фақат пок вужуд (ҳилкат)да ўзига жой топади, пок вужуд эса инсоннинг ўн икки — ўн олти ёшларида қамолга етади. Лайли ва Мажнунга боқинг. Инсон бу ёшда дунёнинг буқаламунлигини ҳали билмайди, хиёнат тушунчаси мутлақо йўқ, кўнгил саҳифаси оппоқ, доғсиз, порлоқ нурлар билан йўғрилган, унда фақат тозалик, поклик муҳасса, чиркилик, кирдиқор қабохатларга бегона. Шу сабабдан бу фаслдаги муҳаббат покдан пок, унда зинҳор фарз йўқ, бирор нарса илминчи йўқ, киши фақат мусофҳо, соф ишқ тўғёнлари аро осмонларда ашайди, кўнгида фақат ёрга фидойилик туйғулари жўш уради. Ошиқ маъшуканинг қўлини ушлаб қуриш у ёқда турсин, ҳатто, бу ҳақда уйлашдан ҳам изо тортади.

Бадиий асарда мантиққа суянши асосий талаблардан ҳисобланади. Мантиқан, бу муҳаббат фаслини 1453-1457 йиллар деб белгилаш мумкин. Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо мактабда бирга сабоқ олганлар. Бинобарин, бу муҳаббат мактабда бошланган. Қиз оғир бетоб бўлади ва оламдан ўтади.



Лекин аёвсиз муҳаббат ёш Алишер қалбини мангубликка забт айлаб бўлганди. Алишер қатъиятли сиймо, қалби буюк мўъжизаларга қодир инсон эди. Бундай буюк инсоннинг муҳаббати, шубҳасиз, буюк бўлади, ҳар хил андазаларга сиғмайди.

Навоий вафодор инсон сифатида улуғланиши, садоқат бобида бизларга, айниқса, ёшларга намуна макомиде шарафланиши зарур. Чунки у ишқда ҳам вафодор, дўстга содиқ, жами фазилатлари хайратланарли даражада инсонийдир. Барчасини чуқур ўрганиб, эл ичида ёйиб, шоирнинг ижоди билан бир қаторда шахсини ҳам улуғлаб, "ёлғиз ўтган, ўғил ва қиз, ахли аёли йўқ", деб ёзишдан зинҳор тийилмоғимиз лозим.

Аксинча, уни ёрига бир умр садоқат кўрсатган вафодор инсон, "бир неча кун умрдин топсам амон, шарҳи ишқим назм этай бир достон", дея орзу қилган, аммо ўзига эътиб насиб этмаган жиғарсўхта ошиқ шоир сифатида васф этмоғимиз зарур.

Қосимжон СОДИҚОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори:

— Ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихи, китобат санъатининг энг гуллаган, тақомил чўққисига эришган даври Сохибқирон Темурбек ва теурийлар қудратли салтанат қуриб, юртни бошқарган замонларга тўғри келади. Теурийлар даврида давлат ва жамяят бошқарувида, халқор-дипломатик алоқаларда, бадиий адабиётда туркий тилининг мавқеи ниҳоятда кучли эди.

Бу даврда ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихида буюк мутафаккир, шоир, буюк файласуф, ўз замонининг машҳур кишиси, таниқли давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг хизматлари бениҳоят катта.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти ва ёзма адабий тилининг улуғ намоёнандаси. Ўзбек адабий тили тарихида, унинг юксалуви, ёзув меъёрлари, ёзма тил фонетик, лексик-семантик, грамматик ва услубий ўлчовларининг қатъийлашувида Алишер Навоийнинг ижоди, ёзма мероси, савий-ҳаракати улуғдир.

Алишер Навоий шоир бўлиш билан бирга, йирик адабиётчи, тилчи ва тарихчи олимдир. Навоий ўткир адабиётчи олим сифатида "Мажолис ун-нафоис" таърихасини, "Рисолаи муаммо", "Мезон ул-авзон" асарларини яратди, тилчи олим сифатида "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласи ва "Сабаът абуҳур" луғатини тузди, тарихчи олим сифатида "Тарихи анбиё ву ҳукамо" ҳамда "Тарихи мулуки Аҷам" асарларини ёзди.

Алишер Навоийнинг илмий мероси орасида "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласи алоҳида дўрин тутаетди. Асар икки тил — туркий ва форсийнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Мухими, асар икки тилни шунчаки чоғиштириш учунгина ёзилган эмас. Унда икки тилнинг бир-бирида қайтарилмайдиган қирралари ўзаро қиёсланиб, хос хусусиятлари илмий асосда ёритиб берилган. Навоийнинг ушбу асарни ёзишдан қўзлаган бош мақсади туркийнинг бадиий адабиётда имкониятлари ниҳоятда чексиз экани, луғат бойлигини ёритиб бериш ва шу асосда ёш ижодкорлар эътиборини унга қаратиш эди.

"Муҳокамат ул-луғатайн" Навоийнинг туркий тилшунослик тарихидаги улуғ кашфиётдир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганишининг янги йўл ва усулларини очиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан Шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан аввал яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирор



ҳодисани очиб бериш учун, ўрни билан, муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли тилларни чоғиштирма ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асариде тилшуносликдаги ани шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилга қиравчи икки тилни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик жиҳатларини ишлаб чиқди. Асар бошдан охиригача типология, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усулгарига таянади.

Навоий асарларининг тили ҳақида сўз кетганда, уни ўша кезларда мавжуд шевааларнинг бирортасига боғлаб қўйиш тўғри эмас. У Ҳурсондагина эмас, бутун теурийлар салтанатида, Олтин Ҳурда, қолаверса, мусылмон турк эллариде амал қилган адабий тилда ижод этди. У ўз ижоди билан теурийлар замониде амал қилган бутун бир адабий оқимнинг бошда турди, туркий адабий тилга етакчилик қилди. Бунде "Лисон ут-тайр" асариде унинг ўзи ҳам таъкидлаган эди:

*Турк назмиде чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Навоий ўз даври ёзма адабий тилини юксалтириш билан бир қаторда ўзбек адабий тилининг кейинги ривожини ҳам белгилаб берган ижодкордир. Ўша чоғлардан то ўтган XX аср бошларига қадар ўзбек адабий тилида яратилган бадиий, тарихий, илмий, диний-фалсафий асарларда бевосита теурийлар даври адабий тили, хусусан, Навоий бошлаб берган ёзма адабий тил аъёналарини кузатиш мумкин.

Мана, неча юз йилки, Алишер Навоийнинг бой ва бебаҳо мероси жамяят маънавий тафаккури ривожига ўз улушини қўшиб келаетди. Шу жиҳатдан, Навоий меросини ўрганиш билим ахлининг доимий эътибориде. Улуғ мутафаккир меросини ўрганиш ишлари унинг тириклиги чоғидан бошланган. Яъни XV асрда навоийшунослик фан сифатида шаклланиб улгурган эди. Шундан буён Навоий мероси ўрганиб келинмоқда.

Қудратулла ОМОНОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори:

— Ҳозирга келиб талабаларга Алишер Навоий меросини ўргатишда рақамли таълим технологияларидан қандай фойдаланиш керак, деган масала долзарб бўлиб турибди. Янги давр навоийшунослиги бугуннинг рақамли авлоди бўлган ёшларга Навоий меросини етказиш учун куйидагиларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Таълим тизимини ривожланган дунёнинг қатор давлатларида муайян ёзма мерос билан боғлиқ курс бўйича дарслар Google classroom платформасидан фойдаланган ҳолда ўтилмоқда. Одатда кенг омма Google тизимини асосан, қидирув ва электрон таржимон сифатида танийди. Бироқ ушбу тизимнинг ёзма ёдронликларини ўргатиш борасида фойдали имкониятлари ниҳоятда кенг.

Google тизими таълимдаги масофа тушушчасини йўққа чиқараетди. Сабаби, унинг дастурлари дунёнинг қай чеккасида бўлмасин, талаба ва педагог бир вақтда ишлашига имконият яратаетди. Google classroom, Google doc, Google disk дастурлари бунда ёрдамга келаетди.

Ҳазрат Навоий меросини ўргатишда интерфаол усуллар ҳам муҳим. Бундай усуллар талабаларни чоғлантиришда катта самара беради. Интерфаол ўйинлар яратиш платформалари — Quizlet, LearningApps, Playfactile, ClassTools.net. Маъруз платформаларда турли шаклдаги тест, бошқотирма, QR ўйин, суровнома, идрок хариталари, карточкалар ёрдамида ранг-баранг ва мазмунли дидактик ўйинларни яратиш имкони мавжуд. Бу каби интерфаол ўйинларни қўллаш жараёнида талабалар саволларга жавоб беришда яқка ёки гуруҳ бўлиб ишлайдилар. Бу уларнинг ҳамжихатлиқда ишлаш, танқидий фикрлаш, билмаган саволларига ечим топиш кўникаларини ривожлантириб, навоийшунослик билан боғлиқ фаннинг назарий ва амалии масалалари борасидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Глобал тармоқда Навоийга бағишланган алоҳида янги давр ўзбек навоийшунослиги электрон платформасини очиш зарур. Бунде Навоий асарларига бағишланган илмий ишлар ва мақолаларнинг тулик электрон вариантларини жолаштириб бориш керак бўлади. Унда ўқувчилар билан боғланиш учун мулоқот чати ҳам очиб қўйиш керак. Токи, китобхонда Навоий асарларидан тушунмаган ҳар бир байт бўйича ўз суровини йўллаш ва жавоб олиш имконияти бўлсин. Шуниндек, платформада навоийшуносликнинг турли масалалари тахлили билан шуғулланадиган навоийшунос-блогерлар фаолиятини ҳам йўлга қўймоқ жоиз. Ҳатто, бу ерда Навоийнинг ўлмас байтлари асосида тайёрланган, рақамли дунё ёшларининг ижтимоий тармоқлардаги севибли тренди асосида чоғлантирувчи суратли матн (демотиватор)лар ҳам ўрин олган бўлсин. Бу билан ҳам Навоий гояларини ёшларга бир қадам яқинлаштирган бўлаимиз.

Давра суҳбати иштирокчилари қайд этганидек, янги давр навоийшуносликнинг навқирон авлодини тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан, буёунги ёшларнинг бош қурроли рақамли технологиялар эканини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўз қуролларидан фойдаланиб, Навоий асарларини ўратиш йўлидан борилса, иқтидорли ўғил-қизларнинг соҳага қизиқиши уйғонади ҳамда келажақда навоийшуносликнинг янги авлодини етиштириш масаласи осонлашади.

Суҳбатни "Янги Ўзбекистон" муҳбири Нодир МАҲМУДОВ ёзиб олди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
14119 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоеси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Буронов
Мусаҳҳис: Малҳолат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йў